

2016
сентябр



Insonga naf keltirish — oliy baxt!

2016-yil
29-sentabr,
payshanba

№ 116
(3777)

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарур

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бошланган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, иқтисодий салоҳият сезиларли даражада юксалди, аҳоли фаровонлиги ортди. Бу ютуқлар мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 28 сентябр куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг шимолий ҳудудига жойлашган Тахياتош иссиқлик электр станциясида бўлиб, бу ерда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2015 йил 18 июндаги «Тахياتош ИЭСда 230-280 МВт қувватдаги иккита буғ-газ қурилмалари қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Умумий қуввати 730 МВт бўлган 5 энергия блогидан иборат ушбу иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Иссиқлик электр станциясида йилига 3,2 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва бунда 1,15 миллиард куб метр табиий газ ёқилади.

Янги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат катта ҳажмдаги қимматбаҳо хомашёни тежаш, балки талба тўбора ортиб бораётган электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини ҳам беради. Хусусан, иссиқлик электр станцияси қувватини 230-280 МВтга ошириш ҳисобидан табиий газ истеъмолини 488 миллион куб метрга камайитириш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилгач, Тахياتош иссиқлик электр станциясининг умумий қуввати 930 МВтга етади, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми эса 3,3 миллиард кВт/соатдан ошади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрининг бош режаси билан танишди. Сўхбат чоғида замонавий кўп қаватли турар жой бинолари, дам олиш масканлари, сунъий кўللар ва сув ҳавзалари барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қулай ва муносиб шароитлар яратиш кўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари давомида пахта далаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди, Кегейли тумани фермерлари билан сўхбатлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотираси ёдга олинди, ҳурмат бажо келтирилди. Учрашувда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида ушбу ҳудудда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани таъкидланди. Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Йиғилишда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, қисқа муддатда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва кузги экинларни экиш, ижтимоий объектлар ҳамда уй-жойларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини гамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Замонавий, шинам уй-жойлар қуриш, коммунал хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюрди.

Урганч шаҳрида яқин йилларда қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли уйлар лойиҳаси кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилган яқна тартибдаги замонавий, шинам уй-жойлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев Қўшқўпир туманида қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди. Фермерлар билан сўхбатда ер унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган навларини экиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экспорт кўрсаткичларини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини гамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, ҳудудда саноат ва иқтисодийнинг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Бунёдкорлик

Водийнинг латиф шаҳри

Ўзининг ноёб ва бетакрор тарихий обидалари билан сайёҳларни мафтун этиб келётган шаҳарларимиздан бири Қўқонда сайёҳлар учун олти замонавий меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда.



Шаҳар аҳли ва меҳмонларига янада қулайликлар яратиш мақсадида бу ерда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Хусусан, Қўқон темир йўл вокзали ҳам замонавий қиёфа касб этиб, йўловчилар павилони, кутиш-кузатиш заллари, йўлақлар юқори дид билан безатилди. Меҳмонхона, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобиллар тураргоҳи барпо этилди.

ЎЗА фотомуҳбири Муқимжон КОДИРОВ олган суратлар.

Сайлов — 2016

Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун онлайн семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренинг

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳаётидаги гоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажак, унинг янада тараққий этиши бўлажак сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши, унда сайловчиларнинг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бундан ташқари, фарзандлари 3 ёшга тўлмаган 32 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Тизимдаги нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 42 нафар ёш болали оналарнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. 39 нафар аёлнинг ҳомилдорлик ва туғиш таътиллари куни узайтирилишига эришилди.

(2).

Етакчи минбари

Жамоа шартномаси — манфаатлар мутаносиблиги

Меҳнатқашлар манфаатлари ҳимояси меҳнат қонунлари доирасида жамоа шартномаси орқали мустаҳкамлаб қўйилади. Жамоадаги муҳит мазкур ҳужжатда белгиланган қулайлик ва афзалликларнинг қай даражада амалиётга жорий этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Мухбиримиз Транспорти, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Самарқанд вилоят бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Сирожиддин ИЗЗАТУЛЛАЕВ билан ана шу ҳақда сўхбатлашди.

(3).



Эъзоз ва эҳтиром

>> 2

Муносабат

Меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг ўрни

Мустақиллик туфайли дунё Ўзбекистонни қайтадан кашф этди. Қарийб барча соҳада, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, кимё, металлургия, машинасозлик, энергетика, маҳсулотларни қайта ишлаш, маданий-маиший жабҳаларда, темир йўл ва авиация тизимида мисли кўрилмаган ўсиш ва ўзгаришлар юз берди. Янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари, автомобилсозлик, кимё, энергетика, нефтни қайта ишлаш боради-да республикамиз нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Шу йилнинг 23 сентябр куни янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

Қонун 36 та моддадан иборат бўлиб, унинг нормалари бунгача қабул қилинган қонунлар ва халқаро меъёр талабларига мувофиқлаштирилди, янги нормалар киритилди ҳамда амалдаги қонунликда белгиланган ва бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўқсонлик қилиши мумкин бўлган нормалардан воз кечилди, бунда:

- қонуннинг тузилмаси янгиланди, юридик техника юзасидан қонун қайта кўриб чиқилди;
- қонуннинг мақсади белгиланди ва асосий тушунчалар киритилди;
- Давлат сиёсати ва бошқаруви қайта кўриб чиқилди;
- махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ алоҳида ваколатларга эга бўлган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари ва вазифалари белгиланди;
- меҳнат муносабатларининг иштирокчилари — иш бевуви ва ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилди;
- ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш масалалари ҳамда хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳам шартнома асосида шу ишлар билан шуғулланиши мумкинлиги қайд этилди;
- меҳнатни муҳофаза қилишнинг молиялаштириш манбалари, нима мақсадларда фойдаланиши кўрсатилиб, меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланди;

(3).



Хунарлини эл билар

>> 4

БУГУННИНГ НАФАСИ

Нодавлат секторда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни касаб-бувошларига кенг жалб этиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида аниқ тизим яратилди ва амалга оширилмоқда.

Давлат статистика органлари ва лицензия берувчи идоралардан янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, уларда ишловчилар ўртасида касаб-бувошлари афзалликларни кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда Ўзбекистон касаб-бувошлари Федерацияси Кенгаши томонидан иш берувчи ва ходимлар учун ишлаб чиқилган буклетлар жуда қўл келмоқда.

Давр талабидан келиб чиққан ҳолда Андижон вилоятида ҳам янги ташкил этилган бошланғич касаб-бувош ташкилотларига фаолиятни тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиш, бу борада тааллуқли услубий қўлланма ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, улар учун ўқувлар ташкил қилиш ишларига йил сайин эътибор кучайтирилмоқда.

Аъзолик афзалликларни юзасидан олиб борилган тарғибот ва тушунириш ишлари натижасида жорий

ташкilotлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб-бувошлари тармоқларида яхши йўлга қўйилган. Чунончи, Агроекономика мажмуи ходимлари касаб-бувошлари туман,

ушмаси вилоят бирлашган кўмитаси томонидан бу кўрсаткич жорий йилда 2015 йилнинг шу кунига нисбатан 2,3 баробарга оширилишига эришилди. Масалан, Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл транссервис» МЧЖ 106

қўллаб-қувватлаш, уларга қулай меҳнат шaroити яратишга эътиборни қўйиш каби муҳим жиҳатлар билан боғлиқ. Уйлайманки, баҳамжиҳат ишласак, муваффақиятларимиз ҳар қачонгидан кўпаяди.

Бу ягона мисол эмас. Андижон шаҳридаги «Andijon trans eko servis», Избоскан туманидаги «Пойтуғ газ тўлдириш», Пахтаобод туманидаги «Zig-zag invest», Хўжаобод туманидаги «Ягона ишонч транс» ҳамда «Crystal color textile» каби МЧЖлар Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб-бувошлари таркибига қўшилди. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бошқача айтганда, жорий йилнинг шу кунига қадар тармоқ-касба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси таркибига 530 та нодавлат секторидagi 4449 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди.

Шунингдек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб-бувошларида ҳам аъзолар сафининг кескин кенгайётгани кўзга ташланмоқда.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон вилоят касаб-бувош ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Сафимиз кенгаймоқда

йилнинг шу кунига қадар 4 минг 336 та хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 21 минг 904 нафар ходим касаб-бувошлари аъзолигига жалб этилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминланди.

Тахлил натижалари ҳозирда нодавлат секторда ишлаётган ходимларни касаб-бувошлари тарғибот ва ташкилотда жамоа шартномаларини имзолаш, шу орқали ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар тармоқ ва ҳудудларда бирмунча кучайганини кўрсатди. Бу борадаги ишлар, айниқса, Агроекономика мажмуи, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш

шаҳар кенгашлари томонидан вилоятда 1 ёки 2 нафар ходим меҳнат қилаётган деҳқон фермер хўжалиқларини ҳудудий агрофирмаларда ташкил этилган касаб-бувош ташкилотлари хизматига жалб этиб, уларни ягона касаб-бувош атраофига бирлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 8 ойида Агроекономика мажмуи ходимлари касаб-бувошлари туман, шаҳар кенгашлари томонидан 2572 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 11775 нафар ходим касаб-бувошга жалб этилишига эришилган бўлса, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб-

нафар ходими билан тармоқ-касба уюшмасига кирди. Жамоанинг мазкур масала юзасидан ўтказилган йиғилишида ходимлар тадбиркор ва ташаббускор Диёрбек Қурбоновни етакчи қилиб сайлашди. Икки томонлама келишув асосида имзоланган жамоа шартномасида ходимлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ўз аксини топди.

— Жамиятимиз асосан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатади. — дейди МЧЖ раҳбари Уткирбек Зайнобиддинов. — Даромадимиз ҳам, иш шaroитимиз ҳам ёмон эмас. Бироқ, жамоа шартномаси масъулиятни янада оширишни тақозо этмоқда. Бу бевосита ходимларни моддий жиҳатдан

Бошланғич ташкилотларда

«Фаргона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акционерлик жамияти касаб-бувошга кўмитаси ўз сафига 3100 дан зиёд аъзони бирлаштирган. «Жар бир ходим — эътиборда» шиори ҳар бир жабҳада ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Барча шaroит муҳайё

Жамиятда ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, турли сиҳаттоҳ ва дам олиш масканларида хордиқ чикариш учун шарт-шaroитлар яратиб бериш, саёхатлар ташкил этиш бўйича талай ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ишчи-ҳодимларга жами 80 миллион сўмлик йўлланмалар ажратилди.

— Соғлом она ва бола йили муносабати билан ёз мавсумида ходимлар фарзандлари бепул йўлланмалар эвазига мириқиб хордиқ чикардилар, — дейди касаб-бувошга кўмитаси раиси Маликжон Муллажонов. — Давлат дастури доирасида болалар ва аёлларимизнинг даволанишига, дори-дармонига кўмаклашилди. Шунингдек, ишчиларнинг биринчи синфга борадиган 181 нафар фарзандига ўқув қуроллар жамланмаси тақдим этилди.

«Касба-тур» МЧЖ орқали Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларга саёхатлар уюштирилди. Мамлакат Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан корхонанинг 75 нафари ёлғиз кексалари ва ногиронларга озиқ-овқат жамланмалари тарқатилди. Жамиятда меҳнат қилиш ва дам олиш шaroитларининг йил сайин яхшиланаётгани туфайли фаолият ҳам тобора самарали бўлиб бораётган.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси — манфаатлар мутаносиблиги

Қ(1).

Шартнома ва келишувларда меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларига ҳам қатор имтиёз ва афзалликлар кўзда тутилган. Шунга асосан 82 та эҳтиёжманд оила вакилларига кўмаклашилди. Боқувчисини йўқотган оилаларнинг 71 нафар фарзандларига ўқув қуроллари, мактаб анжомлари олиб берилди. Шундай оилаларда истиқомат қилаётган 14 нафар ўқувчининг спорт тўғрисида қатнаш харажатлари қисман қоплаб келинаётган.

— Маълумки, меҳнат муҳофазаси қатъий жамоатчилик назоратига олинган жойдагина кўнгилсиз ҳодисалар бўлмайди. Тизим корхоналарида бу борадаги аҳвол қандай?

— Вилоят касаб-бувош ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда тармоқдаги 38 та бошланғич касаб-бувош ташкилотига меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишларни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, иш юритиш ва жамоатчилик назоратини олиб бериш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди. Амалий ёрдам жараёнида баъзи ташкилотларда хавфсизлик қоидаларига доир бир қанча нуқсон аниқланиб, вақтида бартараф этилди.

Жумладан, Самарқанд, Каттақўрғон, Иштихон ва Пайарик ИХПТФ корхоналарида иш ўринлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказилмаган экан. Бу камчиликларга барҳам берилди. Бундан ташқари, қатор корхоналарда жамоа шартномаларининг тегишли бўлимларида меҳнат муҳофазаси учун маблаг ва имтиёзлар белги-ланмагани аниқланиб, тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди.

Мажбур вазиятни ҳисобга олган ҳолда, бошланғич ташкилотлар етакчилари, меҳнат муҳофазасига алоқадор муҳандис-техник ходимлар ўқуви ташкил этилди. Корхона ва ташкилотларда ходимларнинг хавфсизлик қоидаларига доир билимини ошириш юзасидан назорат ўрнатилди.

— Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда касаб-бувошларнинг ўзига хос ўрни бор. Ушбу йўналишда тизим корхоналарида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туман ва шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ тизимда 15 та янги иш ўрни ташкил этишни режалаштирилган экан. Бошланғич ташкилотларимиз билан ҳамкорликда тармоқда 16 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Шунингдек, УЗКУФК томонидан ўтказиб келинаётган ёш ходимлар қобилиятини юзага чиқаришга қаратилган турли тадбир ва кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этаямиз. «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичида соҳада меҳнат қилаётган уч нафар ёш қатнашди. Уларнинг бир нафари республика босқичи ғолиблари сафидан жой олиб, «Ёш мутахассислар» IV республика форумига йўлланма олди. Бундан ташқари, мамлакат бўйича касб-хўнарок коллежи битирувчилари ўртасидаги «Энг яхши ишчи касб эгаси» кўрик-танловига Пастдаргом қурилиш технологиялари коллежи битирувчиси Шерзод Алиқулов танловнинг «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси» номинацияси ғолибларидан бирига айланди. «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан» кўрик-танловининг «Энг яхши касаб-бувош» номинацияси бўйича «2522-автожамланма» ДУКС тармоқ корхоналари ичидан биринчи, Федерация миқёсида иккинчи ўринни эгаллади.

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда қандай ташаббуслар бор?

— Давлат дастури асосида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга 10680,0 минг сўм миқдоридagi маблаг сарфланди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳар транспорт ва коммунал хўжалик касб-хўнарок коллежида бошланғич касаб-бувош ташкилотлари, маънавият ва маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари ҳамкорлигида «Оналари қадрланган юрт», Пастдаргом автомобил ва йўллар касб-хўнарок коллежида «Аёл борки, олам мунаввар», Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида «Соғлом она ва бола — юрт истиқболи» мавзусида маданий-маърифий тадбир ва учрашувлар ташкил этилди.

Дарвоқе, тизим корхона ва ташкилотлари томонидан 356 нафар меҳнатқаш оилалари вакилларининг мамлакатимиздаги обод гўшаларига саёхатлари уюштирилди.

Ҳар бир йўналишда изчил давом эттирилаётган ишлар ўз самарасини бераётган. Муҳими, ҳеч ким касаб-бувошлари эътиборидан четда қолмаслигига эҳтибор қилинаётган.

«Ishonch» мухбири
Нурилла ШАМСИЕВ
сўхбатлашди

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



Эъзоз ва эҳтиром

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-бувошлари Чилонзор туман кенгаши ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Ўқитувчи

ва мураббийлар куни муносабати билан тадбир ташкил этди. Унда соҳа ходимлари ва фахрий педагоглардан бир гуруҳи тақдирланди. Жумладан, тумандаги 200-мактабнинг



математика фани ўқитувчиси Зухра Норқулова, 183-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Мавжуда Нодировага «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони топширилди. — Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнаомлигида таълим соҳасида мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди, — дейди Халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси Озода Каримова. — Истиқлол йилларида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати том маънода қадр топди. Бундай гамхўрлик соҳа ходимларини Ватанимиз тараққиёти йўлида янада шижоат билан ишлашга ундайди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренинг

Қ(1)

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида демократик талабларга ва умум-эътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонуни талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган, фақат қонунга бўйсунмаган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга. У ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралигини, адолатлилик принциплари асосида олиб боради.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига оид қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик қилилаётгани айтиб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ихозат берилди. Сайлов округлари ва округ сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шaroитлар яратилди. Сайловнинг очик ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда, халқаро кузатувчиларга тақрибномалар юборилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Касба уюшмаси аралашгач...

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, ҳуқуқий демократик давлат қуришдаги туб ўзгаришлар натижасида ходимлар ҳуқуқларини касаб-бувошлари орқали ҳимоя қилинишининг муҳим пойдевори яратилди.

— Навоий вилоят касаб-бувош ташкилотлари бирлашмасида 2015 йил давомида жами 245 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 72 таси ёзма, 82 таси оғзаки, 88 таси «Ишонч телефони», 3 таси интернет тармоғи орқали қилинган мурожаатлардир, — дейди бирлашма юридик бўлими мудири Алишер Раҳматов.

Мурожаат эътиборсиз қолмайди

— 2016 йилнинг 6 ойи давомида касаб-бувошларига фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар сони янада ортганини таъкидлашни истардим. Вилоят касаб-бувош ташкилотлари бирлашмасига 1-ярим йилликда 227 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 31 таси ёзма (шунинг 4 таси электрон мурожаат), 90 таси оғзаки, 106 таси «Ишонч телефони»га қилинган мурожаатлардир.

Езма мурожаатлар орқали келиб тушаётган аризалар мазмунида иш берувчилар томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини қонунга мувофиқ равишда бекор қилиш ва ижтимоий жазо чораларининг нотўғри қўлланиши ҳолатлари кўпроқ кайд этилади. Чунончи, Хатирчи тумани, «Дамарик» маҳалласида яшовчи, «Хатирчи пахта тозалаш» АЖда ишлаб келган фуқаро Шерзод Шукроров касаб-бувошларига мурожаат этиб, аттестация натижаларига қўра унинг аввалги вазифасида ишлашига иш берувчи томонидан тўқсизлик қилинаётганини, жорий йилнинг январ ойидан бошлаб апрел ойига қадар унга иш берувчи томонидан ходимнинг мутахассислигига мос иш тақдир этилмаганини, оилада ёлғиз боқувчи эканлиги ва вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, уни аввалги вазифасига ишга тиклашда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган.

Вилоят касаб-бувошлари томонидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилиши натижасида, суднинг 2016 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан ходим «Хатирчи пахта тозалаш» АЖ нинг техника назорати бўлими бошлиғи вазифасига тикланиб, иш берувчидан ходим фойдасига мажбурий бекор юрган қўнлар учун 4 млн. сўм иш ҳақи ҳамда 1,5 млн. сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, бевосита касаб-бувошларининг ташаббуси билан иш берувчиларга қўнбузулиш ҳолатларини бартараф этиш, ишга тиклаш ва мажбурий юрган қўнлар учун иш ҳақи ундириш тўғрисида тақдимномалар киритилиши ҳам ўз натижасини бермоқда.

Навоий вилоят тарихий-ўлкашунослик музейи қоровули вазифасида ишлаб келган Насриддин Муродовнинг вилоят касаб-бувош ташкилотлари бирлашмасига тақдим этган ёзма мурожаатида, иш берувчи томонидан у билан тузилган меҳнат шартномаси 2016 йилнинг 29 феврал кунинда қонун талабларига зид равишда бекор қилинганлиги, 2016 йилнинг март ойидан бошлаб, ион ойн охирига қадар мажбурий равишда бекор туриб қолганини оқибатида унга иш берувчи томонидан моддий зарар етказилганини, иш берувчининг у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини бекор қилиш ва унга мажбурий бекор туриб қолган қўнлар учун пуллик компенсация ундиришда амалий ёрдам кўрсатиш сўраган. Ариза бўйича чора қўрилиб, Н.Муродов аввалги вазифасига ишга тикланди.

— Навоий вилоят касаб-бувош ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимига ишдан бушатилишимдан норози бўлиб, ариза билан мурожаат қилган эдим. Уларнинг ёрдами билан адолат қарор топиб, яна ўз ишимга қайтдим, — дейди Насриддин Муродов.

Мухтасар айтганда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига оғишмай амал қилинган натижасида муаммолар ўз вақтида ва жойида ечимини топишига эришилмоқда.

Дилафрўз УРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

ЖАРАЁН

Меҳнатни муҳофазаси қилишда касабани уюшмаларнинг ўрни

ЎЗ

– иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси, бошқариш тизимининг аудити, меҳнат шaroитларининг давлат экспертизаси, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш каби нормалар эндиликда иш берувчилар ва ходимлар томонидан меҳнатни муҳофазаси қилиш талабларига риоя этиш бўйича масъулиятини оширишга ҳизмат қилади;

– қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати ва текшируви қандай амалга оширилиши аниқ нормаларда баён этилди.

Жумладан, ходимларнинг вакиллик органи бўлиши касабани уюшмаларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Турли муассаса, корхона, ташкилотларда ҳизмат қилаётган минглаб ходимларнинг соғлигини сақлаш, касбий ва умумий касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ишловчи аҳолининг меҳнатини муҳофазаси қилиш асосий вазифаларимиздан бири деб ҳисобланмоқда.

Бош қомусимизнинг 59-моддасида, касабани уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини фойда этишлари ва ҳимоя қилишлари таъкидланган, шунингдек, 37, 38, 39, 40-моддаларида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаши, дам олиши, ижтимоий таъми-

ташкил этиб, иқтисодий фаол аҳоли 14,8 млн. нафардир. Ишлаётган эркаклар 43 фоиз ёки 8,7 млн., аёллар эса 47 фоиз ёки 9,5 млн. нафарни ташкил этмоқда.

Иқтисодиёт соҳаларида 14 196,3 минг киши фаолият юритиб, улардан: саноатда — 13,2 фоиз қишлоқ хўжалигида — 29,1 фоиз қурилиш соҳасида — 8,3 фоиз савдо-сотик ва умумий овқатланиш соҳаларида — 8,9 фоиз транспорт ва алоқа — 4,8 фоиз



жоий (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, деб белгилаб қўйилган.

Касабани уюшмалари бошланғич ташкилотларда меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар орқали ходимларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар фаолиятининг самарали ташкил этилиши иш берувчи томонидан ходимларга қулай меҳнат шaroитлари яратилишида муҳим ўрин тутмоқда. Вакилларнинг корхоналарда маъмурий-жамоатчилик назоратидаги иштироки меҳнат муҳофазаси соҳасида маъжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш чоралари қўрилишига имкон яратмоқда.

Келгусида корхоналардаги вакиллар томонидан хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилганлиги устидан тизимли ишларни ташкил этиши бўйича тегишли тадбирлар режалаштирилган.

Янги таҳрирдаги Қонунда касабани уюшмалари учун яна қуйидаги ҳуқуқлар ҳам белгиланган:

Янги таҳрирдаги Қонунда касабани уюшмаларига ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шaroитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи берилган.

нот олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Дарҳақиқат, ҳозирда касабани уюшмалари ҳар бир меҳнат жамоасида ишловчи ходимларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишининг олдини олишига иш берувчи ва ходимлар эътиборини қўяйтириши, нормативларга амал қилиниши устидан жамоат назоратининг олиб борилишида ижтимоий шериклики мустаҳкамлаб, муаммоларни ўрганган ҳолда, ечимни юзасидан амалий чоралар қўришни асосий мақсад қилиб олган.

соғлиқни сақлаш ва спорт — 7,2 фоиз халқ таълими, фан ва маданият — 13,5 фоиз уй-жой коммунал хўжалигида — 3,1 фоизни ташкил этмоқда.

Ишловчи аҳолининг соғлигини муҳофазаси қилиш ва мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига ҳолқа бўлган муҳим вазифадир.

Дунё ҳамжамияти бугунги кунда мавжуд муаммолардан бири, яъни иш жойларида содир бўлаётган оқибати энгил, оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларига чалинишининг олдини олиш ва меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни қўяйтиришга даъват этмоқда.

ҳофазаси қилишга оид талаблар бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига тақлифлар киритиб боради.

Касб касалликлари келиб чиқишида ишлаб чиқариш муҳити ёки меҳнат жараёнининг нохуш омиллари таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Касб касалликлари инсон организмга ў ёки бу касбий ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари таъсири натижаси ҳисобланади (масалан, силикозда кремний диоксид чанги, захарланмишларда саноатдаги захарли моддалар ва б.). Шу билан бир қаторда, шундай касалликлар мавжудки, улар касбий ҳамда атроф-муҳитнинг бошқа омиллари таъсирида ривожланиши мумкин. Биринчи ҳолатда улар касбий (масалан, бронхит астма кимё саноати ишчиларида) ва иккинчи ҳолатда умумий (масалан, уй чанги таъсиридан ривожланган бронхит астма) касаллик ҳисобланади.

файли 11 миллион меҳнаткаш тиббий текширувдан ўтати. Биринчи ёрдам кўрсатиш лозим бўлган айрим касбларда 5 мингга жароҳатланишга битта ўлим ҳолати тўғри келаётди.

Абсцесс, бошқа канцероген чанглар ва химикатлар, ионлаштирувчи нурланишлар саратон касалликларига олиб келиши мумкин. Бу эса меҳнат фаолияти билан боғлиқ учдан бир ўлим сабабчиси дур.

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиши саратон хасталиги 32 фоизни ташкил этяпти.

Иш фаолияти билан боғлиқ бўлган юрак-қон томир касалликлари ва таънч ҳаракат тизими аъзолари биргалликда йўқотишларнинг ярмини ташкил қилмоқда.

Касабани уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Янги таҳрирдаги Қонунда касабани уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органи, шунингдек, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакилларга меҳнатни муҳофазаси қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартнома ва келишувларда назарда тутилган меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқи берилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳар йили ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва касб касалликлари сабабли 2 миллион аёл ва эркак ҳалок бўлмоқда, ҳар кунни ўртача 5 минг одам ҳаётдан кўз юммоқда.

Ҳар йили 270 миллион меҳнаткашнинг энгил, оғир шикастланишлари, ўлим билан тугаган ҳодисалар, 160 миллион касб касалликлари рўйхатга олинмоқда.

Жароҳатланиш оқибатида ходимларнинг учдан бир қисми 4 иш кунидан ортиқ иш жойида бўлмастик билан иқтисодиётга зарар келтирмоқда.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш ташкилотининг 1964 йилдаги 124-конференциясида биринчи марта касб касалликлари рўйхати қабул қилинди ва бу рўйхатга кенг тарқалган зарарли омиллар таъсирида ривожланувчи умуммаъқулланган аънавий касб касалликлари киритилди. 1980 йилда 66-бутунжаҳон конференциясида ушбу рўйхат қайта кўриб чиқилди ва бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш ташкилотининг аъзолари бўлган 25 мамлакат томонидан қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди. 1990 йил 22 майда Европа комиссияси 90/326/ЕЕС тавсиясини қабул қилди ва касб ка-

салиқларнинг рўйхатини тасдиқлади. Лекин шунга қарамай, ҳозирга қадар касб касалликларининг қабул қилинган умумий ва ягона таснифи йўқ.

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи касб касалликларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус сонли бўйруғи билан тасдиқланган ва у 100 дан ортиқ касалликни ўз ичига олади.

Касбий меҳнат лаёқатини йўқотилиш даражаси жабрланганга меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалинишидан олдинги касбий фаолиятнинг давом эттириш имконини берадиган лаёқати, психофизиологик имконият ва сифатлар, айнан уша таркиб ва уша ҳажми ҳисобга олинган ҳолда, малака пасайганлиги, бажариладиган иш ҳажми ва одатдаги, махсус ташкил этилган ишлаб чиқариш шaroити ва бошқа шaroитларда иш ҳажмининг камайишини ҳисобга олган ҳолда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинганлиги оқибатларидан келиб чиқиб, 5 фоздан 100 фозгача белгиланади.

Касабани уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасида ижтимоий шериклики амалга ошириб, бош келишув, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари тузиши мумкинлиги белгиланган норма ҳуқуқмат, иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллик органининг ижтимоий ҳамкорлиги янада яхшиланishiга имконият яратди.

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқи ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишув, жамоа шартномаси, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланиши мумкин.

Ходимларга яратиладиган қонун ҳужжатларига нисбатан имтиёзлар ижтимоий ҳамкорлик асосида тузиладиган ҳужжатларда ўз аксини топади.

Жамоа шартномаси, таъбир жоиз бўлса, корхонанин «кичик меҳнат кодекси» бўлиб, унда корхонадаги меҳнат муносабатларининг барча жиҳати кўзда тутилади. Хусусан, унда корхона ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш тартиби ҳамда хусусиятлари, иш вақти ва дам олиш вақти бериш, корхонанин иш режими, иш ҳақи тўлаш шарт-шaroитлари ҳамда хусусиятлари, ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари, меҳнатни муҳофазаси қилиш ҳамда ходимлар учун қулай, хавфсиз меҳнат шaroити яратиш берилиши, меҳнат низолари ҳамда уларнинг ҳал этилиши тартиби ва бошқа масалалар ёритилади.

Ҳар йили иш жойларида 355 минг бахтсиз ҳодиса содир бўляпти. Таҳлилларга кўра, уларнинг ярми қишлоқ хўжалиги соҳасида, яъни бутун дунё иш кучининг ярмиси машғул бўлган соҳада кузатиляпти.

Ишчи кучини ўзида мужассамлаштирувчи

Тадқиқотларга кўра, 50 дан 60 фозгача иш вақти йўқотилиши ёрқотилади ишлаб чиқаришдаги стресс билан боғлиқ.

Дунёда 100 миллион корхона, бу кичик корхоналардир. Жами 3 миллиард ишловчининг 1 миллиарди қишлоқ хўжалиги ва кичик корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Жамоа шартномаси, таъбир жоиз бўлса, корхонанин «кичик меҳнат кодекси» бўлиб, унда корхонадаги меҳнат муносабатларининг барча жиҳати кўзда тутилади. Хусусан, унда корхона ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш тартиби ҳамда хусусиятлари, иш вақти ва дам олиш вақти бериш, корхонанин иш режими, иш ҳақи тўлаш шарт-шaroитлари ҳамда хусусиятлари, ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари, меҳнатни муҳофазаси қилиш ҳамда ходимлар учун қулай, хавфсиз меҳнат шaroити яратиш берилиши, меҳнат низолари ҳамда уларнинг ҳал этилиши тартиби ва бошқа масалалар ёритилади.

Ишчи кучини ўзида мужассамлаштирувчи

Тадқиқотларга кўра, 50 дан 60 фозгача иш вақти йўқотилиши ёрқотилади ишлаб чиқаришдаги стресс билан боғлиқ.

Дунёда 100 миллион корхона, бу кичик корхоналардир. Жами 3 миллиард ишловчининг 1 миллиарди қишлоқ хўжалиги ва кичик корхоналар ҳисобига тўғри келади.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УШБУ МУНОСАБАТЛАР ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲАМДА ҚОНУНИЙЛИК ҚАРОР ТОПИШИГА ЭРИШИШДАН ИБОРАТ. ЗЕРО, ҚОНУН ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИ ТАЪМИНЛАНМАСДАН ТУРИБ, ИНСОН БАХТ-САОДАТИ, УНИНГ УЧУН ҚУЛАЙ ШAROIT ЯРАТИЛИШИ, ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЛАНИШИ ҲАМДА КАФОЛАТЛАНИШИ Тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас.

Ишчи кучини ўзида мужассамлаштирувчи

Тадқиқотларга кўра, 50 дан 60 фозгача иш вақти йўқотилиши ёрқотилади ишлаб чиқаришдаги стресс билан боғлиқ.

Дунёда 100 миллион корхона, бу кичик корхоналардир. Жами 3 миллиард ишловчининг 1 миллиарди қишлоқ хўжалиги ва кичик корхоналар ҳисобига тўғри келади.

БМТ маълумотларига кўра, сайёрамизнинг 45 фоиз аҳолиси, деярли 3 млрд. инсон жамияти моддий ва иқтисодий қўллаб-қувватловчи иш кучини ташкил этар экан.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси қилиш миллий обзори (кузатиш натижалари)га кўра, бугунги кунда меҳнат қобилиятига эга бўлган ёшдаги аҳоли сонини 19,6 млн.ни

Ишчи кучини ўзида мужассамлаштирувчи

Тадқиқотларга кўра, 50 дан 60 фозгача иш вақти йўқотилиши ёрқотилади ишлаб чиқаришдаги стресс билан боғлиқ.

Дунёда 100 миллион корхона, бу кичик корхоналардир. Жами 3 миллиард ишловчининг 1 миллиарди қишлоқ хўжалиги ва кичик корхоналар ҳисобига тўғри келади.

меҳнат вакифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқа тарзда шикастланиши тўғрисидаги етказилган зарарини ўрни қоплатиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиги ва меҳнатни муҳофазаси қилишига бўлган ҳуқуқларни чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, жамоа шартнома ва келишувларда назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек, меҳнат шaroитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини қўриб чиқишда иштирок этиш.

Келгусида Қонун ижроси юзасидан, бошланғич ташкилотларда меҳнатни муҳофазаси қилиш комиссияларини шакллантириш, иш берувчи билан битимлар тузиш орқали тадбирлар белгилаш кўзда тутилган.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қўлга кириши белгилаб қўйилган.

Касабани уюшмалари бу даврда ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиши, тегишли меъёрларни қабул қилиш, кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш ва ўқув-тренинглар ташкил этишни режалаштирмоқда.

Ҳақиқат шундан иборатки, меҳнат унумдорлиги ва хавфсизлигининг ўсиши корхонанин рақобатбардошлиги ошишига ишончли асосдир. Таҳлиллар кучли касабани уюшмаси бор жойда хавфсиз меҳнат шaroити мавжудлигини тасдиқламоқда. Масалан, Швецияда юқори сифатли меҳнат муҳофазаси ходимларни самарали уч томонлама ҳамкорликка жалб қилингандан кейин юзга келган.

Бугунги кунда хавфсиз меҳнатнинг иқтисодий жиҳатдан, шубҳасиз, қулайлиги боис иш жойларидаги ўлим, жароҳат ва касалликлар учун тўловлар камайишига умид уйғоняпти.

Глобаллашув шароитида ютуқларга эришишга интилаётган мамлакатларда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Баъзида меҳнат муҳофазаси меъёрлари рақобатбардошлигини камайишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чунки айрим давлатлар меҳнат муҳофазаси учун кўп маблағ сарфлай олмайдди. Аммо бу вахлар ҳеч қандай асосга эга эмас.

Ходимларга яратилаётган меҳнат шaroитларини ижтимоий ҳамкорлар билан биргалликда профилактика қилиш, бошланғич касабани уюшма ташкилотларига ўз вақтида камчиликларни кўрсатиб, жойида бартараф этилишига эришиш асосий вазифаларимиздан дур.

Хулосаларимиз асосида, Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишининг олдини олишига ҳамда ҳамкорликда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига эришиш имконияти яратилишига умид қиламиз.

Меҳнат муҳофазаси ва шaroитлари, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқарув органилари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳамкорликда олиб бориш кўзалган марраларимизга етишга имконият яратди.

Биргалликдаги тадбирларимиз фикр-мулоҳазалар билан ўрнатилгани, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича мажмууви ва мақсадли дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда яқиндан ёрдам беради.

Мазкур Қонуннинг талаб даражасида ишлаши мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига, ходимларга хавфсиз меҳнат шaroитлари яратилишига катта ҳисса қўшади.

ЎЗҚУФК Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими

ХОДИМЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН МЕХНАТ ШAROITLARINI ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА КАМЧИЛИКЛАРНИ КўРСАТИБ, ЖОЙИДА БАРТАРАФ ЭТИЛИШИГА ЭРИШИШ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН ДУР.



